

**“РҮЙХАТГА ОЛИНГАН”**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан

2019 йил “21 август  
6913 - сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Раисининг уринборсари



**«КАПИТАЛБАНК»  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ  
БАНКИНинг  
УСТАВИ**

(янги таҳрири)га  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

«Капиталбанк» акциядорлик  
тижорат банки Акциядорларининг  
2019 йил 27 июнданги  
умумий йигилиши томонидан  
(2/2019-сонли баённома)



**ТОШКЕНТ-2019**

**“КАПИТАЛБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
УСТАВИ (янги таҳрири)га  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР  
МАТНИ**

("Капиталбанк" АТБ акциядорларининг умумий йигилиши томонидан 2019 йил 27 июнда  
(2/2019-сонли баённома) тасдиқланган)

**«Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки Уставига қўйидаги ўзгартириш ва  
қўшимчалар киритилди:**

**1.1. 33-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“Юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ҳам, банк акциядорлари бўлиши мумкин”.

**1.2. 25-банднинг 6-хат бошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“Банк томонидан қиймати пул кўринишида тўланадиган акцияларга айрибошланадиган акциялар ва қимматли қофозлар жойлаштирилганда - овоз берувчи акциялар эгаси уларни имтиёзли сотиб олиш хукуқига эга бўлади. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор, акцияларни ва акцияларга айрибошланадиган эмиссиявий қимматли қофозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олиш хукуқига эга;”.

**1.3. 45-банднинг 45.19-кичик банди чиқариб ташлансин.**

**1.4. 45-банднинг 45.20 – 45.26-кичик бандлари тегишли равишда 45.19 – 45.25-кичик бандлари деб ҳисоблансин.**

**1.5. 45-банднинг 45.10.-кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“Мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини тайинлаш, унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш ва у билан шартнома тузиш (ёки бекор қилиш) ҳақида қарор қабул қилиш;”.

**1.6. 46-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“Банк уставининг 45-банди 45.1., 45.2., 45.3., 45.6., 45.16., 45.19., 45.22. кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади”.

**1.7. 50-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Корпоратив ахборотларнинг ягона порталида, банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.”.

**1.8. 63-банднинг 63.11-кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“Банкнинг Ички аудит, Хатарларни бошқариш бўйича департаментларини ташкил этиш ва уларнинг ходимларини ҳамда корпоратив маслаҳатчини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш, шунингдек уларнинг ҳисботларини эшитиб бориш;”.

**1.9. 63-банднинг 63.25-кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“Банкнинг таркибий тузилмалари ва филиаллари фаолият тартибини белгиловчи локал ҳужжатларни тасдиқлаш, қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав ва банкнинг бошка локал ҳужжатларига мувофиқ Акциядорларнинг ўумумий йиғилиши ва Банк бошқаруви ваколатига тааллукли бўлган локал ҳужжатларни қабул қилиш (тасдиқлаш) бундан мустасно;”

**1.10. 63-банднинг 63.27-кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“Банк кенгаши хузуридаги кўмиталарини ташкил қилиш ва улар тўғрисидаги низомларни, шунингдек Банкнинг корпоратив маслаҳатчиси, Ички аудит, Ички назорат ва Хатарларни бошқариш бўйича департаментлари фаолиятини тартибга солувчи низомлар ва/ёки лавозим йўриқномаларини, шунингдек Банк бош оғиси ва филиалларининг ташкилий тузилмасиларини тасдиқлаш;”.

**1.11. 63-банднинг 63.33-кичик банди тегишли равишда 63.34-кичик бандлари деб ҳисоблансанн.**

**1.12. 63-банд қўйидаги мазмундаги 63.33-кичик банд билан тўлдирилсанн:**

“Аудиторлик (Мажбурий аудиторлик текширувидан ташқари) текширувини ўtkазиш учун аудиторлик ташкилотини тайинлаш, унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш ва у билан шартнома тузиш (ёки бекор қилиш) ҳакида қарор қабул қилиш;”.

**1.13. 64-банднинг тўққизинчи хат боши қўйидаги таҳрирда баён этилсанн:**

“банк Ички аудит, Хатарларини бошқариш департаментларининг ва корпоратив маслаҳатчисининг фаолият кўрсатишларини ташкил этиш;”.

**1.14. 65-банднинг биринчи кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсанн:**

“Банк кенгаши б кишидан, шу жумладан битта мустақил аъзодан иборат таркибда сайланади. Банк кенгаши аъзолари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йилга муддатга сайланади. Банк кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланishi мумкин”.

**1.15. 83-банднинг бешинчи хат боши қўйидаги таҳрирда баён этилсанн:**

“Банк қоидалари, иш тартиби ва бошқа локал ҳужжатларини тасдиқлади, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк кенгаши ва Банк бошқаруви томонидан тасдиқланадиган локал ҳужжатлар бундан мустасно”.

**1.16. 87-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсанн:**

“Банкнинг йиллик ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатдан кечиктирмай Банк кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланади. Банк йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилиши шарт”.

**1.17. IX боб қўйидаги таҳрирда баён этилсанн:**

“IX. Банкнинг фаолиятини назорат қилиш”.

**1.18. 101-108 бандлари тегишли равишда 102 – 109 бандлари деб ҳисоблансанн.**

**1.19. IX боб қүйидаги таҳрирдаги 101-банд билан тўлдирилсин:**

“Банкнинг корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи Банк корпоратив маслаҳатчиси фаолият юритади. Банкнинг корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Банк кенгаши томонидан тасдиқланган низом ва/ёки лавозим йўрикномаси асосида амалга оширилади ва Банк кенгаши олдида ҳисобдордир”.

**ВЫПИСКА ИЗ ПРОТОКОЛА № 2/2019  
ГОДОВОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ  
АКЦИОНЕРНОГО КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА «КАПИТАЛБАНК»**

город Ташкент  
улица Сайилгох, 7

27 июня 2019 года  
11.00 часов

На день проведения Годового общего собрания акционеров АКБ «Капиталбанк» общее количество выпущенных и размещенных акций составляет 111 296 900 штук простых именных бездокументарных акций.

На основании регистрационного списка Годового общего собрания акционеров АКБ «Капиталбанк» на Годовом общем собрании акционеров АКБ «Капиталбанк» приняли участие (зарегистрировались) 9 (девять) акционеров банка, с общим количеством 97 326 592 (девяносто семь миллионов триста двадцать шесть тысяч пятьсот девяносто две) штуки голосующих акций.

Кворум собрания составляет 87,45 % от размещенного количества голосующих акций, допущенных на собрание акционеров.

**ПОВЕСТКА ДНЯ:**

14. О внесении изменений и дополнений в Устав АКБ «Капиталбанк».

**По четырнадцатому вопросу повестки дня принято решение:**

**14.1.** Утвердить изменения и дополнения в Устав АКБ «Капиталбанк» согласно приложению.

**Результаты голосования:**

Варианты голосования	Количество голосов (штук)	% от принявших участие в голосовании
«ЗА»	97 326 592	100
«ПРОТИВ»	0	0
«ВОЗДЕРЖАЛСЯ»	0	0

Выписка из протокола верна:

Секретарь ГОСА АКБ «Капиталбанк»

Худайберганов А.С.



**«КАПИТАЛБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
УСТАВИ (янги таҳрирда) ГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИЧАЛАР.**

Эски таҳрир:	Янги таҳрир:
<p><b>33-банд.</b>          Юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари хам, банк акциядорлари бўлиши мумкин. Бунда хорижий инвесторнинг улуши банк устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаслиги керак.</p>	<p><b>33-банд.</b>          Юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари хам, банк акциядорлари бўлиши мумкин.</p>
<p><b>25-банд 6 хатбоши.</b>          Агар банк томонидан акциялар ва қимматли қофозлар жойлаштирилса, банкнинг овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорлар бундай қимматли қофозларни ўзлари эга бўлган овоз берувчи акциялар сонига мутаносиб миқдорда, шу жумладан Акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қофозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга.</p>	<p><b>25-банд 6 хатбоши.</b>          Банк томонидан қиймати пул кўринишида тўланадиган акцияларга айирбошланадиган акциялар ва қимматли қофозлар жойлаштирилганда - овоз берувчи акциялар эгаси уларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор, акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қофозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга;</p>
<p><b>45.19.</b> акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қофозларни сотиб олишда, Ўзбекистон Республикаси қонунчиликда белгиланган имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор қабул қилиш;</p>	<p><b>45 банднинг 45.19 кичик банди чиқариб ташлансин.</b></p>
<p><b>45.10-банд.</b>          Аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш;</p>	<p><b>45.10-банд.</b>          Мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини тайинлаш, унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш ва у билан шартнома тузиш (ёки бекор қилиш) ҳақида қарор қабул қилиш;</p>

**46-банд.**

Банк уставининг 45-банди **45.1., 45.2., 45.3., 45.6., 45.17., 45.21., 45.24.** кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

**46-банд.**

Банк уставининг 45-банди **45.1., 45.2., 45.3., 45.6., 45.16., 45.19., 45.22.** кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

**50-банд.**

Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин “Openinfo.uz” ягона корпоратив маълумотлар порталида, банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

**50-банд.**

Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Корпоратив ахборотларнинг ягона порталида, банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

**63.11-банд.**

Банк ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг хисоботларини эшлиб бориш;

**63.11-банд.**

Банкнинг Ички аудит, Хатарларни бошқариш бўйича департаментларини ташкил этиш ва уларнинг ходимларини ҳамда корпоратив маслаҳатчини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш, шунингдек уларнинг хисоботларини эшлиб бориш;

**63.25-банд.**

Банкнинг таркибий тузилмалари ва филиаллари фаолият тартибини белгиловчи локал ҳужжатларни тасдиқлаш, қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йигилиши ва Банк бошқаруви ваколатига тааллуқли бўлган локал ҳужжатларни қабул қилиш (тасдиқлаш) бундан мустасно;

**63.25-банд.**

Банкнинг таркибий тузилмалари ва филиаллари фаолият тартибини белгиловчи локал ҳужжатларни тасдиқлаш, қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав ва банкнинг бошка локал ҳужжатларига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йигилиши ва Банк бошқаруви ваколатига тааллуқли бўлган локал ҳужжатларни қабул қилиш (тасдиқлаш) бундан мустасно;

<p><b>63.27-банд</b></p> <p>Банк кўмиталарини ташкил қилиш ва улар тўғрисидаги низомлар, шунингдек ички аудит ва ички назорати хизмати низомларини тасдиқлаш;</p>	<p><b>63.27-банд</b></p> <p>Банк кенгаши ҳузуридаги кўмиталарини ташкил қилиш ва улар тўғрисидаги низомларни, шунингдек Банкнинг корпоратив маслаҳатчиси, Ички аудит, Ички назорат ва Хатарларни бошқариш бўйича департаментлари фаолиятини тартибга солувчи низомлар ва/ёки лавозим йўриқномаларини, шунингдек Банк бош офиси ва филиалларининг ташкилий тузилмасиларини тасдиқлаш;</p>
	<p><b>63.33-банд</b></p> <p>Аудиторлик (Мажбурий аудиторлик текширувидан ташқари) текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини тайинлаш, унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш ва у билан шартнома тузиш (ёки бекор қилиш) ҳақида карор қабул қилиш;”</p>
<p><b>64-бандининг тўққизинчи хат боши</b></p> <p>ички аудит хизмати фаолият кўрсатишини ташкил этиш;</p>	<p><b>64-бандининг тўққизинчи хат боши</b></p> <p>банк Ички аудит, Хатарларини бошқариш департаментларининг ва корпоратив маслаҳатчисининг фаолият кўрсатишларини ташкил этиш;</p>
<p><b>65-банднинг 1 кичик банди.</b></p> <p>Банк кенгаши 6 кишидан иборат таркибда сайланади. Банк кенгаши аъзолари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йилга муддатга сайланади. Банк кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.</p>	<p><b>65-банднинг 1 кичик банди.</b></p> <p>Банк кенгаши 6 кишидан, шу жумладан битта мустақил аъзодан иборат таркибда сайланади. Банк кенгаши аъзолари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йилга муддатга сайланади. Банк кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.</p>
<p><b>83 -банднинг 5 кичик банди.</b></p> <p>Банкнинг бош офиси ва филиаллари ташкилий тузилмасини тасдиқлайди, банк қоидалари, иш тартиби ва бошқа локал ҳужжатларини тасдиқлайди, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк кенгаши ва Банк бошқаруви томонидан тасдиқланадиган локал ҳужжатлар бундан мустасно.</p>	<p><b>83 банднинг 5 кичик банди.</b></p> <p>Банк қоидалари, иш тартиби ва бошқа локал ҳужжатларини тасдиқлайди, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк кенгаши ва Банк бошқаруви томонидан тасдиқланадиган локал ҳужжатлар бундан мустасно.</p>

**87 – банд**

Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йифилиши тказиладиган санадан камида 30 кун олдин Банк кенгashi томонидан дастлабки тарзда асдиқланиши лозим.

**87 – банд**

Банкнинг йиллик ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатдан кечиктирмай Банк кенгashi томонидан дастлабки тарзда тасдиқланади. Банк йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувоғик ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилиши шарт.

**IX. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш****IX. Банкнинг фаолиятини назорат қилиш****101- банд.**

Банкнинг корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи Банк корпоратив маслаҳатчиси фаолият юритади. Банкнинг корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Банк кенгashi томонидан тасдиқланган низом ва/ёки лавозим йўриқномаси асосида амалга оширилади ва Банк кенгashi олдида ҳисобдордир.

# KAPITALBANK

Aksiyadorlik Tijorat Banki

37

Ro'yxat raqami 03/6-0280  
20 19.07.2019

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

03

“Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки Акциядорларининг 2019 йил 27 июнданги умумий йиғилиши томонидан (2/2019-сонли баённома) “Капиталбанк” акциядорлик тижорат банкининг Устави (яңги таҳрири)га ўзгартариш ва қўшимчалар киритилди.

Банк уставига киритилган ўзгартаришларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўtkазилишида амалий ёрдам кўrsatiшингизни сўраймиз.


Рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатларни иловага мувофик тақдим этамиз.

Илова Л варакда.

Хурмат билан,

Банк кепгаси раиси

M.A. Абдусамадов



29.07.2019

Тикилган ва ракамланган

10 ( ГР )

Варакдан иборат

2019 йил

